

---

## ФАРГОНА ТУМАНИДА ЯНГИ СИҲАТГОҲ ҚУРИЛИШИ ЯКУНЛАНМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга Фарғона туманидаги ўрганишлари давомида Оқ олтин МФЙ ҳудудида қад ростлаётган “Хумо” сиҳатгоҳида бўлди.

Лойиҳа қиймати 17,7 млрд. сўм бўлган ушбу соғломлаштириш маркази, жорий йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Лойиҳа ташаббускорларининг сиҳатгоҳ қурилишини жадаллаштириш учун 2 млрд. сўм банк кредити ажратилишида ёрдам сўраб вилоят ҳокимига қилган мурожаати ижобий ҳал этиладиган бўлди. Шунингдек, сиҳатгоҳ атрофини тадбиркор маблағлари ҳисобидан кўкаlamзорлаштириш учун Яшил макон дастури доирасида ер майдони бириктирилиши белгиланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-16 10:27:09